

SPECIFIC FEATURES OF FORMATION OF FAMILY VALUES IN STUDENTS IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Sherzodbek Ismoilov,

Lecturer, Department of Theory and Methods of Physical Culture,
Faculty of Physical Culture

ABSTRACT

This article writes about the education of young people, their scientific and comprehensive development, as well as the socio-economic development of our country, as well as the education of a high-spirited generation.

Keywords: upbringing, education, prestige, spirituality, growth, development, economy, country, science.

INTRODUXTION

Қадриятлар ҳар бир миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ойнадек қўрсатиб турувчи энг муҳим омиллардан бири. Олимлар қадриятларни миллий, диний, маҳаллий, минтақавий ва умуминсоний қаби бир қатор турларга шартли бўладилар.

Миллий қадриятлар маҳаллий ва диний қадриятларга, умуминсоний қадриятлар эса кўплаб миллий қадриятларга таяниб шаклланади ва асрлар оша такомиллашиб бораверади. Аммо бугунги тезкор глобаллашув шароитида ҳам ўз миллий моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлаётган, бойитиб ривожлантираётган ҳар қандай миллат ўзига хос анъаналари, урф-одатлари ва ўлмас қадриятлари билан бошқа миллатлардан ажралиб туради.

Табиийки, миллатларнинг бебаҳо қадриятлари шунчаки бир-икки ёки ўн-йигирма йил ичида пайдо бўлиб қолмайди. Чунки ҳалқ дилига чуқур ўрнашган бирор-бир муҳим урф-одат, кийим-кечак, кундалик ҳаёт тарзига хос алоҳида “нарса”нинг анъанага, айниқса, қадриятта айланиши узоқ асрларни талаб қиласади. Йиллар, асрлар давомида маълум бир қараш, одат, тушунча, тажрибалар шафқатсиз замонлар, бир неча авлодлар синовидан муваффақиятли ўтсагина янада сайқал топади, ривожланади, ҳалқ ҳаётида ўз ўрнини эгаллайди.

Соғлом оила – мустаҳкам жамият, мустаҳкам жамият – барқарор мамлакатdir. Ҳар бир оиланинг тинч-осойишталиги, ҳамжиҳатлиги – юрт тинчлиги ва тараққиётини белгиловчи омилдир. Оила мустаҳкам бўлмаса, жамият ҳам мустаҳкам бўлмайди. Шу боисдан, мамлакатимиизда оилалар мустаҳкамлигига жамият барқарорлигининг муҳим шарти деб қаралади.

Таълим ва тарбиянинг ўртасида очик-ойдин фарқ бор. Таълим тарбиянинг бир жузъидир. Тарбия эса таълимни ўз ичига олади, аксинча эмас. Демак, тарбия ўз-ўзидан таълимга нисбатан комил ва кенг қамровлидир. Исломий тарбиянинг маъноси эса жамиятда ҳар тарафлама комил инсон шахсиятини барпо қилиш ва албатта, бу тарбия руҳий, ақлий ва жисмоний тарафларни ўз ичига олади.

Ёшлар тарбияси, уларни илмли ва ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш барча замонларда муҳим вазифа ҳисобланган. Мутафаккирларимиз томонидан ёзиб қолдирилган бундай нодир асарлар ўсиб келаётган ёш авлодни салбий иллатлардан асраб, ахлоқан пок, ҳақиқий инсон бўлиб етишишларига унданаган.

Маълумки, улуғ мутафаккир Абу Али ибн Сино меросида илм ва ахлоқ уйғунлиги масаласи алоҳида ўрин тутади. Алломанинг “Тадбири манзил” рисоласида тарбия масаласи кўпроқ таҳлил этилган. Хусусан, “Тадбири манзил”да инсон тайёр шахсий сифат, одат ва кўнижмалар билан туғилмаслиги қайд этилади. Бундай хусусиятлар одамнинг ижтимоий ҳаётида секин-аста шахсий ва ўзгалар тажрибаси, аввалги аждодлар анъаналари, таълим-тарбия ўзгаларнинг таъсири остида шаклланади. Шахс камолотида ижобий фазилат ва одатларни қарор топтириш қанчалик қийин ва мушкул бўлса, маънавий қиёфага ёпишиб олган салбий жиҳат ва одатлардан халос бўлиш шунчалик мураккабдир.

Аллома наздида болалар тарбиясини барвақт бошлаган маъқул: “Бола тана бўғинлари барқарор бўлган, унинг тили тўғри, равон гапириш ва қулоқлари тинглаш ва ўзгалар сўзларини қабул қилиш ҳамда ўрганилаётган нарсага (табиий) мойиллик пайтдан бошлаб уни илмлар ва ахлоқ-одоб (асослари)га ўргатиб бориш лозим”.

Шарқнинг таниқли файласуфларидан бўлмиш шоир Мирзо Абулқодир Бедил таъкидлаганидек, “Аввал ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор, юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор”. Дарҳақиқат, инсоннинг маънавий қиёфасини ҳам улкан бинога қиёс қилиш мумкин. Агар одамга ёшлиқдан тўғри тарбия берилмас экан, катта бўлгач, уни тўғри йўлга солишининг имконияти бўлмайди.

Шу боис, мамлакатимиизда ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлаш билан биргалиқда, юксак маънавиятли баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маънавият – барча тарбияларнинг мустаҳкам илдизи деб бежизга айтилмаган. Одоб-ахлоқ ва тарбия асли маънавиятдан бошланади. Маънавият инсонни ички олами, қалби ва онги билан боғлиқ бўлиб, унинг бутун вужуди, фаолияти, хатти-ҳаракатларини белгиловчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний ва шу каби тасаввурлари мажмуудир. Ота-боболармиз фарзанд ўстириар эканлар, уларнинг хулқ-авторига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб, ўз мақсадларини бошқаларга қандай тушунтиришларига катта аҳамият беришган. Улар фарзандларининг қўрслик қилиши, катталар суҳбатига аралашиши, ножӯя ишларига зинҳор йўл қўймаганлар.

Инсоният тарихида жамият тараққиёти бир текис кечмаган. Жамиятда юз бераётган ижтимоий-тарихий ҳодисаларга турлича муносабатда ёндашиш натижасида инсонларнинг дунёқарashi, турмуш тарзи, менталитети шаклланиши баробарида, миллий қадриятлар ҳам такомиллаша борган. Миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданияти, анъаналарини, барча моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини ўз ичига қамраб олади. Шунинг учун ҳам қадриятлар миллатларнинг маънавий қиёфасини акс эттиради.

Халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган ўзи туғилиб ўсган она юргига – Ватанга муҳаббат, аждодлар хотирасига садоқат, меҳмонга, ўзидан катталарга эҳтиром, ўзидан кичикларга иззат-икром, айниқса ота-она, қариндош-уруғларга доимий беғараз ҳурмат ва хизмат кўрсатиш, бироннинг ҳақига, айниқса, етим-есирларнинг, қўни-қўшиларнинг, ожиз-нотавонларнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, орттирган мол-дунёсидан хайр-эҳсон қилиш, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаё ва андиша сақлаш, аҳли аёли – оиласини асраб-авайлаш сингари жуда кўплаб инсоний фазилатлар миллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади.

Юқорида маънавият барча тарбияларнинг мустаҳкам илдизи эканлигини таъкидладик. Бунинг сабаби у таълим ва тарбия жараёнларини ҳам ўз ичига олади. Тарбия билан таълим ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, таълим олишнинг вақти турлича бўлиши мумкин, бироқ тарбия бериш ёшлиқдан бошланиши шарт.

Хуллас, миллий қадриятлар, урф-одатларимиз, муқаддас анъаналаримизнинг, ҳозирги ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳам ўқувчилар онгига мунтазам сингдириб бориш керак. Шу билан бирга, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ички ва ташқи таҳдидларга қарши қаратилган тизимли ва замонавий ташвиқот ишларини ҳам назардан қочирмаслик муҳим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулла Авлоний “Танланган асарлар” Тошкент ”МАЬНАВИЯТ” 2009й “Ўзбекистон Республикаси Қониситутция”си Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар, Педагогик фаолият, „Ўқитувчи”, Т.,1996.
2. Ибрагимов, Д. А. Оила, маҳалла ва ўқув муассасаларида ёшлар тарбияси / Д. А. Ибрагимов. — Текст : непосредственный // Техника. Технологии. Инженерия. — 2017.
3. Siddikov, B., & Djalalov, B. (2020, December). MODERNIZATION OF EDUCATION-THE FUTURE INNOVATIVE COMPETENCE OF TEACHERS AS A MAIN FACTOR OF FORMATION. In *Конференции*.
4. Ахмедов, Б. А., Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2020). МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. *Academy*, (9), 20-22.
5. Tuychieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustaev, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. *湖南大学学报(自然科学版)*, 48(8).
6. Tuychieva, I. I. (2018). Mechanisms Ensuring Children’s Thought Activity Development at Preschool Education Process. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
7. Уринова Н. М., Таджибоева Х. М. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ УЧАЩЕЙСЯ МОЛОДЕЖИ //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILOSOPHY, SOCIOLOGY, HISTORY AND POLITICAL SCIENCE. – 2018. – С. 29-33.
8. Maksudov, U. K. (2020). ISSUES OF NATIONAL VALUES AND SOCIAL ACTIVITY OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF POSITIVE PSYCHOLOGY.

In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 394-396).

9. Khaitboevich, B.B. (2020). Some features of protection of students from the threat of harmful information in the educational process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (10), Part II, 69-72. <http://www.idpublications.org/wp-content/uploads/2020/10/Full-Paper-some-features-of-protection-of-students-from-the-threat-of-harmful.pdf>
10. Baydjanov, B. (2021). Compatibility of new renaissance pedagogy and jadid enlighteners' views on education and information security. International peer-reviewed online conference on theme: "Mahmudkhoja Behbudiy and the press of jadids". (1). <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.916>
11. Baydjanov, B. (2021). Language and education integration - information security as one of the important factors of supply. "Actual problems and solutions of modern philology". Collection of materials of the international online conference. (2). <https://doi.org/10.47100/v1i2.302>
12. Baydjanov, B. (2021). Protection from the threat of harmful information that negatively affects the physical and mental development of students as a pedagogical problem. "Innovative technologies in sports and physical education of the younger generation". Collection of materials of the international online conference. (1). <https://doi.org/10.47100/v1i1.71>
13. <https://yuz.uz/news/tarbiya-buyuk-nemat>
14. https://uza.uz/uz/posts/farzandlarimiz-qalbida-umuminsoniy-va-milliy-qadriyatlarini-shakllantiraylik_258470
15. <http://muzaffar.uz/saboqlar/3530-oilaviy-qadriyatlar-jamiyat-mustahkamligi-asosi.html>